# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 10 декабрь, № 263 (8606) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган барча заҳматкаш инсонларни, бутун халқимизни қутлуғ байрам — **Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ердан мўл ҳосил етиштириш — бу чинакам жасорат ва матонат намунасидир.

Халқимиз сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, тажрибали чорвадор ва пиллакорлар, жонкуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олийжаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қадимий анъаналарга эга бўлган ўзбек деҳқончилик мактаби ривожланмоқда, аграр соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг тасдиғини бу йил мамлакатимизда илк бор 8 миллион 200 минг тонна ғалла, 3 миллион 800 минг тонна пахта, 15 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 26 минг тонна пилла етиштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

**Ана шундай фидокорона меҳнат ва улкан натижалар учун сизларга эл-юртимиз номидан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.**

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизда асосий эътиборни сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратмоқдамиз. Шу мақсадда 800 дан зиёд агрокластерлар ташкил этилди. Бугунги кунда пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи айнан улар томонидан етиштирилмоқда.

Бу йил дала меҳнаткашларига 10 минг 500 дан ортиқ юқори унумли техника ва агрегатлар етказиб берилди. Соҳага рақамлаштириш жараёнлари, томчилатиб суғориш технологиялари, инновациялар жадал кириб бормоқда.

Чўлланиш, ерларнинг шўрланиши ва деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунгача 500 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилингани ва қарийб 1 миллион гектар ернинг сув таъминоти яхшилангани ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасидир. Жорий йилда қўшимча равишда 100 минг гектар ер фойдаланишга киритилиб, озиқ-овқат экинлари экилгани, мевали боғ ва токзорлар барпо этилгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги ана шундай ўзгаришлар жараёнида аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда охирги икки йилда 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар юртдошимизга танлов асосида берилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 миллион тонна маҳсулот етиштирилди.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

**"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида** барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар асосида маҳсулот таннархини 30 — 35 фоизга тушириш, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларни 1 миллион 500 минг гектарга етказиш, сифатли ва серҳосил навларни, зотдор чорва наслини кўпайтиришга, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга устувор аҳамият берилади.

Биз ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизлар каби катта билим ва тажрибага эга, миришкор ва омилкор инсонларга таянамиз.

Ўз навбатида, давлатимиз ва жамиятимиз соҳани янада равнақ топтириш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳлининг ҳаётини обод ва фаровон қилиш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларни сафарбар этади.

Сиз, азизларни бугунги байрам билан яна бир бор қутлаб, жонажон юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлидаги эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Хонадонларингизни хурсандчилик, тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака ҳеч қачон тарк этмасин!

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**







# ЭЛ-ЮРТ ДАСТУРХОНИНИ ТЎКИН ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ШАРАФЛИ ВА ОЛИЙЖАНОБ МЕҲНАТ

*Президентимиз раҳнамолигида аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш борасида улкан саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти ва бунинг самараси ўлароқ бу йўналишда илгари кузатилмаган муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигига инновация, интенсив ва ресурс тежовчи технологиялар, қолаверса, замонавий, жаҳон тажрибасида синовдан ўтган фан-техника ютуқларининг жорий этилаётгани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Аммо тан олиш керак, Марказий Осиёда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўплиги аграр соҳани изчил ривожлантиришга салбий таъсир ўтказаётир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БААда уюштирилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқида алоҳида таъкидлаб ўтди.*

Унда айтилганидек, фавқулодда иссиқ кунлар сони икки марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди. Тупроқнинг емирилиш жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айланди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилмахиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам содир бўлаётган бундай иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг тобора танқислашиб бораётгани, чўлланиш даражасининг ошиши кўп тармоқли аграр соҳа меҳнаткашлари ва олимлари олдига кўплаб муаммолар ечимини топиш масаласини қўймоқда.

Бундай табиий хавф-хатарлар олдини олишнинг бирдан-бир йўли тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани ресурс тежайдиган ва юқори унумли янги техникалар билан узлуксиз таъминлаб бориш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида агротехнологиялардан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Шундагина биз ҳақиқий бозор механизмларини жорий қилишга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга муваффақ бўламиз. Албатта, бунда етук билимга эга мутахассислар тайёрлаш олдимиздаги устувор вазифа эканини ҳам ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз. Бинобарин, бугун фидойи деҳқонларимиз ўзлари тўплаган бой тажрибаларни ишга солиб, илғор технологияларни соҳага кенг жорий этган ҳолда иқлим ўзгаришлари ва сув тақчиллигини мардонавор енгиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

➔ 2

Бугун — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

# ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

*Давлатимиз мадҳиясида инсонни сеҳрловчи, энг эзгу туйғуларни жунбушга келтирувчи соҳир қудрат ва жозиба бор.*

Айниқса, халқаро шахмат мусобақаларида қатнашиб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганда давлатимиз мадҳияси янграши ҳаётимиздаги бир умр унутилмас лаҳзалардир. Зотан, давлатимиз мадҳиясининг жозибаси, сеҳри ўзгача. Спортчи бўлганим боис бундай бахтни кўп бора ҳис этиб, шу юртнинг фарзанди сифатида қалбим ҳамиша фахр-ифтихорга тўлади.

Мамлакатимизда ҳар йили 10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун сифатида нишонланиши замирида ҳам ана шундай туйғу мужассамдир.

Юртимизда спортнинг шахмат тури ривожига алоҳида эътибор бериб келинади. Натижада мамлакатимиз шахматчилари халқаро миқёсдаги мусобақаларда юксак марраларни қўлга киритмоқда. Ўзимга келсак, ўн беш ёшимда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим, ўн олти ёшимда Марказий Осиё ёшлари орасида илк бор халқаро гроссмейстер мақомига эришдим.

2022 йили Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги байрами арафасида Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида "чемпион" деган юксак шарафга сазовор бўлганимиз мадҳиямизда айтилганидек, оламни ўзбек диёрига маҳлиё этди, десак, муболаға бўлмас. Боиси ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ва бу гал 188 та жамоа иштирок этган ушбу нуфузли шахмат мусобақаси ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очди. Бу, том маънода бир мақсад — янги Ўзбекистоннинг янги келажагини, унинг нурли истиқболини яратишга азму қарор қилган халқ вакилларининг жипслиги, ҳамжиҳатлиги тимсоли бўлди. Айниқса, сўнгги ўйиндаги муваффақиятим Ўзбекистон терма жамоасининг тарихий ғалабасини таъминлагани ва ўша лаҳзаларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев телефон орқали биз билан мулоқот қилгани ғолиблик шукуҳини ошириб, бизга жуда катта рағбат бағишлади.

Биласиз, яқин-яқингача шахмат мусобақаларида дунёда Ҳиндистон, АҚШ, Арманистон, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Германия каби давлатлар вакиллари тенгсиз ҳисобланарди. Кейинги йилларда юртимизда шахмат мусобақалари кўп ўтказилаётгани боис маҳоратли гроссмейстерларимизнинг халқаро турнирларда оламшумул натижаларга эришаётганлиги эътиборли бўлмоқда.

➔ 3

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАХРУ ИФТИХОРИ

*Шу кунларда мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кунга бағишлаб ватандошлар, диаспора ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.*

Хусусан, мамлакатимиз элчихоналари, Бош консулликлари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарида давра суҳбатлари, брифинглар ва бошқа тадбирлар ўтказилиб, уларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти қатнашчиларга етказилмоқда.

Мадҳиямизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи теран ифодаланган. Унда мардона ва шонли ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган. Мадҳиямиз, шубҳасиз, бутун халқимизнинг фахру ифтихоридир.

Учрашувларда, шунингдек, 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон мадҳияси кучли демократик давлат барпо этишнинг муҳим босқичларидан бири бўлгани таъкидланмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонун билан мадҳия матни ва мусиқаси тасдиқланди. Давлат мадҳиясининг муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бўлиб, мусиқасини Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов яратган.

➔ 3

Биз ва жаҳон

# САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТТА НУФУЗ ВА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МУҲИМ ҲАМКОРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Унда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва кенг кўламли шерикликни янада кенгайтириш, жумладан, олий даражадаги келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.*

Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси янгиланган ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Саудия Арабистони Ўзбекистоннинг нафақат араб-мусулмон мамлакатларида, балки бутун дунёда катта нуфуз ва молиявий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган муҳим шериги ҳисобланади. Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган (1991 йил 30 декабрь).

## Икки томонлама муносабатлар тарихидаги янги босқич

Президент Шавкат Мирзиёевнинг подшоҳ Салмон бин Абдулазизнинг таклифига биноан 2017 йил 20-21 май кунлари Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистони Подшоҳлигига ташрифи ўзаро алоқалар ривожига қўшимча туртки бўлиб хизмат қилди ва икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим босқич бўлди. Шундан буён икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар амалий моҳият билан бойитилиб, ижобий динамикани намоён этмоқда. Олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқа ҳамда алмашинувлар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимиз раҳбари 2022 йилнинг августида Саудия Арабистонига ташрифи чоғида валиаҳд шаҳзода Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан музокара ўтказди. Унинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида кенг қамровли шериклик муносабатларини янада кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот, шунингдек, энергетика, божхона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари соҳаларида 15 та ҳужжат қабул қилинди.

➔ 3

Муносабат

# БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

*Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч, осуда ва фаровон ҳаётини таъминлаш, яшаш шароитини тубдан яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зотан, давлатимиз раҳбарининг янги ғоялар билан йўғрилган инсонпарварлик сиёсати асосини халқимизнинг туб манфаатлари ташкил этади ҳамда бу сиёсат бевосита шу манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган. Ўтган даврда юртимизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар шунчаки рақамларда эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаётида намоён бўлаётир.*

Инчунин, охирги етти йилда инсонга бўлган эътибор ва муносабат тубдан ўзгарди. Тўғри йўлдан адашганларни кечириш ва соғлом ҳаётга қайтариш, оила, маҳалла ва жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Муҳим саналар арафасида тўғри йўлдан адашиб, хатога йўл қўйиган, аммо қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган кўплаб шахслар афв этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан имзоланган "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон давлатимиз раҳбарининг буюк инсонпарварлик сиёсатидан далолат.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Конституциямизнинг 109-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазони ижро қилиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 334 нафар шахс афв этилди. Бу — шунча оилага қувонч, шодлик ва умид олиб кирди, дегани.

Афв институтининг афзаллиги, икки томон манфаатлари учун адолатли ёндашув бўлиб, жабр етказувчи ва жабр кўрувчилар манфаатини бир хилда ҳимоя қилади. Энг муҳими, бу акт унинг номидаёқ баён этилганидек, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларга нисбатангина қўлланилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони қанчадан-қанча инсонларга, уларнинг оиласи ва яқинларига ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. Зеро, ҳужжатга мувофиқ, билиб-билмай жиноят содир қилиб, жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар афв этилди.

Ушбу хайрли иш Бош қомусимиз қабул қилинганининг 31 йиллиги байрами арафасида амалга ошганида ҳам чуқур маъно бор. Бу — Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқаришининг ёрқин далилидир.

➔ 4

# ЭЛ-ЮРТ ДАСТУРХОНИНИ ТЎКИН ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ШАРАФЛИ ВА ОЛИЙЖАНОБ МЕҲНАТ





1

Аёнки, деҳқон аҳли эрта баҳордан то кеч кузгача табиат билан тиллашиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам экинлардан юқори ҳосил етиштириш ҳаракатида бўлади. Шу йил бошида бўлган аномал совуқ, баҳор ойларидаги кучли жала ва серёғин кўклам, ёз чилласининг ҳаддан ташқари иссиқ келиши, обиҳаётнинг йилдан-йилга камайиб бориши деҳқону фермерлар учун жиддий ноқулайликлар туғдиргани рост.

Бунда, албатта, Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги ривожига қаратаётган алоҳида эътибори, деҳқон ва фермерларга яратилаётган имтиёз ва енгилликлардан унумли фойдаланган ҳолда аграр соҳанинг барча тармоғида олдинги йиллардагига нисбатан салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, деҳқонларимиз жорий йилда 3 млн. 800 минг тонна пахта, 8,5 млн. тонна ғалла етиштирди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ҳисобланган 15 млн. тоннадан ортиқ сабзавот-полиз, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна картошка ҳосили олинди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ўсиш юқори бўлгани таҳсинга сазовор.

Бу муваффақиятларда жорий йилда аграр соҳада бир қатор маъмурий ислоҳотлар амалга оширилгани, қишлоқ хўжалиги бошқарувидаги тарқоқ функциялар, вазифалар ва ваколатлар ягона тизимга уйғунлаштирилганининг аҳамияти жуда муҳим роль ўйнади, десак, сира муболаға қилмаган бўламиз.

Айни чоғда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни, хусусан, чорвачилик ва иссиқхона хўжаликларини, пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда узумчилик ва виночилик соҳасини барқарор ривожлантириш, хомашё базасини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш, аграр секторни замонавий, ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш бўйича янги механизмлар жорий этилгани қўл келмоқда. Шунингдек, маҳсулот етиштирувчиларда ихтиёрийлик асосида экинларни мустақил жойлаштириш, давлат идоралари аралашувини бекор қилиш, фермерларга эркинлик бериш бўйича тегишли қарорлар чиқарилгани ҳам ютуқларга пойдевор бўляпти.

Замонавий илм-фан ютуқларига асосланиб агротехник тадбирларни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришни молиялаштириш тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Асосий масалалардан бири бўлган тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлар деградациясига қарши курашишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва соҳа экотизимининг барқарорлигини сақлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида экинлар ҳосилдорлиги ортиб бораётгани кузатилаётир. Мисол учун, 2023 йилда 100 минг гектар ернинг тупроқ таркиби яхшиланиб, қайта фойдаланишга киритилди ва бу ерларга озиқ-овқат экинлари экилди, мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Натижада тупроқларимиз унумдорлиги ошиб, ҳосилдорлик пахтачиликда 10 фоиз, ғаллачиликда 20 фоиз, сабзавот-полиз экинларида 25 — 30 фоизгача ортди.

Биласиз, мамлакатимиз аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу борада халқимизни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш баробарида янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам тизимли ишлар удданяпти. Масалан, сўнгги икки йилда қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар фуқарога бўлиб берилди. Бунинг самараси ўлароқ қарийб 2,2 млн. мавсумий ва доимий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 млн. тонна маҳсулот етиштирилди. Бу, албатта, элимиз дастурхонининг файзли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Энг катта ютуқларимиздан бири сифатида алоҳида эътироф қилиш жоизки, 2023 йилда қишлоқ хўжалигида 3 млн. нафар аҳолининг бандлиги таъминланиб, даромад манбаи яратилди. Муҳими ҳам аслида шу: бандлик бор жойда даромад бўлади, даромад эса фаровонликка етаклайди.

Халқимиз исрофгарчиликни кечирмайди. “Бир майизни қирқ бўлиб еган” деган ибора бежиз пайдо бўлмаган. Аммо тан олиш керак, бундан 20 — 30 йил муқаддам ва ундан олдин ҳам мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, яқин-олис бозорларга етказиш масалалари ниҳоятда қийин иш эди. Пишиб етилган мева ва узумнинг учдан бир қисми тўкилиб, нобуд бўлар эди. Эндиликда қишлоқ жойларда ҳам замонавий савдо, логистика марказлари, маҳсулотни чуқур қайта ишлаш, сақлаш корхоналарининг сони ортиб бораётгани исрофгарчиликка чек қўйди. Пировардида халқимизни йил бўйи янги узилгандек сақланган мева-сабзавот билан таъминлаш имконияти яратилди. Бу хизматнинг жорий этилиши аграр соҳанинг ривожланишига ва экспорт имкониятларининг кенгайишига пухта замин яратмоқда. Жорий йилда мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватлари 3,3 млн. тоннага, агрологистика марказлари сони 76 тага ва қуввати эса қарийб 1 млн. тоннага етказилгани қувонарли, албатта.

Бу йил мамлакатимиз соҳибкорлари саксонга яқин хорижий давлатларга қиймати қарийб 1,5 млрд. доллардан ортиқ маҳсулотларни экспорт қилишга муваффақ бўлди. Серқуёш заминимизда пишиб етилган турли ноз-неъматлар дунёнинг барча қитъасига етиб бормоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоғида, жумладан, пахтачилик, ғаллачилик, тўқимачилик, касаначилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачиликда 800 дан ортиқ агрокластерлар фаолият юритмоқда. Пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоизидан ортиғи айнан кластер усулида етиштирилаётир. Ишлаб чиқариш жараёнида бу мақбул усул тобора такомиллашиб бормоқда.



Давлатимиз раҳбари 9 ноябрь куни пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ерлар ҳосилдорлигини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида шулар хусусида батафсил тўхталиб ўтди, янги таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлади. Хусусан, кластерлар ва фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланмоқда. Бундан буён фермерлар бир вилоят ҳудудидаги исталган кластер билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлади. Хуллас, тизимдаги янгиликлар соҳа равнақини белгилаб, келгуси йилда пахта толаси тўлиқ қайта ишланиб, қиймати 9,6 млрд. долларга етказилади. Экспорт миқдори эса 4,5 млрд. долларни ташкил этишига эришилади.

Соҳада замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўрни беқиёс. Халқимиз “Техника — деҳқоннинг қаноти” деб бежиз айтмайди. Бу борада соҳада техника таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўзида 2,5 трлн. сўмлик 10,5 мингдан ортиқ юқори унумли техника ва агрегатлар кластер, фермер ва деҳқонларга етказиб берилди. Пировардида чигит экиш мавсуми 20 кундан 8 кунга, ғалла ўрими мавсуми 30 кундан 16 кунга қисқариб, шудгорлаш ишларини 20 — 25 кунда якунлаш имконияти яратилди. Илғор технологияларнинг жорий этилиши натижасида бу йил етиштирилган пахта ҳосилининг 25 фоизи терим машиналари ёрдамида саранжомлаб олинди.

Чорвачиликда ҳам янги тизимга ўтилиб, давлат томонидан чорвадорларимизга катта имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Жорий йилда хорижий мамлакатлардан юртимизга 70 минг бош наслли қорамол, 180 минг бош қўй-эчки ва 2 млн. бош жўжа келтирилди. Бу чора-тадбирлар натижасида республикамизда зоти яхшиланган қорамоллар улуши 74 фоизга, ҳудудларда йирик чорвачилик комплекслари сони эса 540 тага етказилди. Ваҳоланки, уларнинг сони 2019 йилда атиги 50 тани ташкил этарди. Бозор ва дўконларда гўшт ҳамда сут маҳсулотлари турлари кўплиги, нарх-наво мўътадиллиги мана шу каби саъй-ҳаракатлар маҳсулидир.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби аграр тармоқни жадал рақамлаштириш масаласига ҳам давлатимиз томонидан катта эътибор қаратиб келинаётир. Ўтган икки йилда янги 10 та ахборот ва геоахборот тизими жорий қилиниб, соҳада маълумотларнинг аниқлигини ошириш, маълумот йиғиш жараёнларида инсон омилини қисқартиришга эришилди. Бу борадаги ишларимиз келгусида ҳам изчил давом этади.

Қолаверса, қишлоқ хўжалиги соҳасининг кўп минг сонли меҳнаткашлари зиммасида халқимизни турли ноз-неъматлар билан узлуксиз таъминлаш, маҳсулот етиштириш миқдорини ошириб бориш каби кўплаб устувор масалалар турибди. Мен шу соҳанинг вакили сифатида заҳматкаш деҳқонларимиз, саботли ва фидойи олимларимиз масъулиятли ҳамда шарафли вазифаларини бундан кейин ҳам сидқидилдан адо этишларига ишонаман.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири.**

# ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛАР БАЙРАМИ

*Кеча Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди.*

Унда вазирлик тизими ташкилотлари раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари, аграр соҳа фидойилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан 2017 йил 25 августда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга кўра декабрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ходимлари куни этиб белгиланган. Шундан буён мазкур сана аграр соҳада меҳнат қилаётган соҳа ходимлари томонидан кенг нишонлаб келинмоқда.

Анжуманда байрам муносабати билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди. Табрикдаги “биз ҳар қарич ердан ҳамда ҳар томчи сувдан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ўзига хос тажриба яратган инсонларни ҳақиқий ватанпарвар сифатида қадрлаймиз” деган сўзлар соҳа ходимлари томонидан гулдурос қарсак билан қарши олинди.

Бинобарин, байрам тадбирида таъкидланганидек мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2016 — 2023 йилларда 400 минг гектардан ортиқ пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, озиқ-овқат экинлари жойлаштирилди. 2017 — 2023 йилларда 156,6 гектар янги мевали боғлар ва 157,7 минг гектар янги узумзорлар барпо этилди. Умуман олганда, давлатимизнинг қишлоқ хўжалиги равнақига қаратаётган алоҳида эътибори, деҳқон ва фермерларга берилаётган имтиёз ва енгилликлар туфайли барча тармоқда салмоқли ютуқларга эришилаётир.

Тадбирда соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, йил бошида эълон қилинган танловда турли номинациялар бўйича ғолиб чиққан энг илғор соҳа ходимларига диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.



“Халқ сўзи” фотожамламасидан.

Анжуманда янграган санъат усталари ва ёш хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар байрам шукуҳига шукуҳ қўшди.

**Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МИРЗАЧЎЛ ҚОВУНЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ

*Сирдарё вилояти деҳқончилиги, унинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган полизчилиги етти иқлимга маълум ва машҳур. Шу маънода айтганда, полизчилик маҳалламиз аҳли ҳаётини фаровон қилибгина қолмай, маҳалла номини узоқларга ҳам танитмоқда.*

Масалан, экспорт қилинаётган қовун қоқиларнинг ёрлиғида “Оқчангал маҳалласи” деган ёзув борлиги бизнинг фахримиз, десам, муболаға бўлмайди.

Сирдарё табиий иқлим шароитига мос қовун навларининг бугунги кунда, ҳатто пўчоғи ҳам чиқитга чиқарилмаяпти. Ундан чорва учун озуқа сифатида фойдаланиляпти. Уруғи эса хорижий харидорларга сотиляпти. Айтишларича, ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда зарур бўладиган ноёб ёғ олинар экан.

Маҳалламиздаги оилаларнинг 70 фоизи полиз маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Кўп йиллик фаолият асносида қишлоғимизда қовунчилик бўйича халқ селекцияси ва халқона деҳқончилик технологиялари пайдо бўлган. Дейлик, деҳқонларимиз қовун уруғини умуман четдан олмайди, имкон қадар, ҳар бири келгуси мавсум учун уруғликни ўзи тайёрлайди. Уруғ энг сара қовунлардан олинади. Бунда унинг шаклидан тортиб, тўрламасининг мукаммаллигигача — ҳар бир жиҳат эътиборга олинади.

Сўнгги йилларда маҳалламиз деҳқонлари ўртасида полиз экинларини суғоришда сув тежамкор усул кенг оммалашди.

Қишлоғимиз ҳақида гап кетганда, йўл четидаги қовун бозорлари айтилса бас, дарҳол кўпчилик танийди — маҳалламиз автомагистраль ёнида жойлашган. Ҳали бу бозорларни янада кўркам ва файзли қилиш режаларимиз бор. Шунингдек, машҳур Мирзачўл қовунлари навларини асраб-авайлаш, полизчиликда бободеҳқон аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган деҳқончилик тажрибаларини сақлаган ҳолда унутилган қовун навларини тиклаб, соҳага янги илмий асосланган технологияларни жорий этамиз.

**Рустам ЖЎВОШЕВ,**
**Ховос туманидаги Оқчангал маҳалласи фаоли.**

# РЎЗҒОРИМИЗ ҚУТ-БАРАКАСИ

*Халқобод — боғу роғ, тутзорлар бағридаги қишлоқ. Бу ерда узум, мева-чева қатори пилла етиштиришда ҳам катта тажриба тўплаган миришкорлар кўп. Нокамтарлик бўлмасин-у, мабодо, ана шундай инсонлар ҳақида сўз очилса, оиламиз ҳам, албатта, тилга олинади.*

Шундай пайтда умрим зое кетмаётгани, халқимиз корига яраётганимни ўйлаб кўнглимда шукроналик ҳиссини туяман. Айниқса, биз етиштирган пилладан тайёрланган ипак матолар жаҳон бозорида харидоргирлигини айтмайсизми?!

Биласиз, ипак қурти парвариши мавсуми қисқа муддатда кечади. Лекин у бир йиллик машаққатли меҳнатга тенг куч-ғайратни талаб қилади. Ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб ишлашга тўғри келади. Меҳнатингиз самарасини кўрганингизда эса машаққатлар унутилади. Рўзғорингизга қут-барака инади.

Буни ўз фаолиятимиз мисолида айтсам, жорий мавсумда тўрт қути ипак қурти парвариш қилиб, 300 килограмм пилла ҳосили олдик. Режадан ташқари қабул қилинган пилланинг ҳар килограммига тарозининг бошида 45 минг сўмдан мукофот пули олдик. Бир ойда мўмай даромад қилиб, рўзғоримизни бутладик.

Айтмоқчи, вилоятимизда баҳорги мавсумда 2 700 тоннадан зиёд пилла етиштирилибди. Ипак қурти уруғини тарқатиш жараёнида бизга ўхшаган касаначи оилавий звеноларга 23 миллиард сўмдан ортиқ бўнак пуллари берилибди. Шу далилнинг ўзиёқ давлатимиз томонидан соҳани ривожлантириш, пиллачиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Бевосита ўзимга келсак, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан вилоятда ташкил этилган тантанали тадбирда бир гуруҳ юртдошларим қатори муносиб тақдирландим. Бу рағбат кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади, албатта.

**Халил АҲМЕДОВ,**
**Бухоро вилояти Ғиждувон туманида яшовчи фахрий деҳқон.**

# ЎЗБЕК ОШХОНАСИ БРЕНДИ

*Гуруч — дастурхонимиз кўрки ва ўзбек ошхонасининг бренди ҳисобланган миллий таомларни тайёрлашда асосий ўрин тутувчи, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга маҳсулот.*

Хоразм гуручи йиллар давомида Ўзбекистоннинг деярли барча бозорида энг харидоргир бўлиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Сабаби воҳанинг ўзига хос иқлим ва тупроқ шароити, Амударё суви таркибидаги бой минераллар туфайли ушбу заминда етиштирилган гуруч ажойиб таъм ва бетакрор мазага эга бўлади.

Гуруч юртимиз ҳудудида қадим-қадимдан маълум бўлган. Йиллар давомида унинг кўплаб навлари яратилган. Хусусан, кейинги йилларда шоличиликка илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш натижасида ютуқлар кўлами ва ҳосилдорлик салмоғи ортиб бормоқда. Янги навларни синаш, сара уруғликлар захирасини яратиш ва шоли кўчатларини парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқишда Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали жамоаси шоликорларга яқиндан кўмакдош бўлиб келмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида филиалимизда шолининг Хитой, Филиппин, Жанубий Корея, Вьетнам, Россиядан олиб келинган, вилоят тупроқ ва иқлим шароитига мос, истиқболли ва серҳосил хорижий навлари, шунингдек, 27 турдаги маҳаллий навлар экилиб, тажриба-синов ишлари олиб борилди. Шулардан Филиппиндан олиб келинган шўрга чидамли, эрта ва ўртапишар, 1 минг дона уруғининг оғирлиги 30 граммдан ортиқ бўлган 10 турдаги навлар танлаб олиниб, уруғлари кўпайтирилди ва келгуси йил катта майдонларга экиш режалаштирилаётир. Филиалимизда кейинги уч йилда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида иккита янги нав яратилиб, давлат нав синаш марказига топширилди.

Бугунги кунда вилоятда шолини кўчатлаб экиш технологиясини янада такомиллаштириш, шолизорларда балиқ етиштириш каби янги тажрибалар кенг оммалашмоқда. Шу билан бир қаторда, шоли етиштиришда сувни тежаш, вегетация даврида кам сув талаб қиладиган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб боряпмиз.

**Ҳамза РЎЗИМОВ,**
**Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали директори.**

# ҚИЗИЛҚУМ — ЧОРВАДОРЛАР ЗАМИНИ

*Дунёга “Бухоро қоракўли” номи билан донг таратган қоракўлчиликнинг бугуни ва эртаси, қадим брендини тиклаш эндиликда, асосан, Навоий вилоятининг Нурота, Конимех, Томди ва Учқудуқ туманларидаги чорвадор фермерлар зиммасида, десак, муболаға эмас.*

Афсуски, соҳада бозор конъюнктурасини инобатга олмаслик, узоқ йиллар бия зардоби (СЖК)нинг қўлланиши, илмий тадқиқотларнинг хўжакўрсинга олиб борилиши ишимизга салбий таъсир кўрсатди. Мол бош сони кескин камайиб, маҳсулот — қоракўл терилар сифатининг пасайиб кетиши оқибатида самарадорлик йўқолиб, соҳада банд бўлган қишлоқ ва овулларда юзлаб кишилар иш ўрнини йўқотгани рост.

Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори туманда қоракўлчилик равнақида мутлақо янги саҳифани очиб берди. Унга кўра вилоятнинг чорвачиликка ихтисослаштирилган туманларида қоракўлчилик йўналишида 31 та ширкат хўжаликларидан 23 таси фермер хўжалигига, 8 таси эса масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Мулкчиликнинг янги шаклида ўзбек қоракўли зотли қўйларининг сара генофондини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш вазифаси масъулияти чекланган жамиятлар зиммасига юклатилди.

Соҳанинг ортга кетиши кўп жиҳатдан яйловлар ҳолати, улардан фойдаланишда ўзибўларчиликнинг оқибатидир. Сабаби, яйловнинг ҳосилдорлиги фақатгина ёғингарчиликка эмас, уни муҳофаза қилиш, ундан озиқланадиган чорва сони, яйлов алмаштириб туришнинг қатъийлигига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан 2019 йилнинг 20 майида “Яйловлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши чорвачилик соҳаси ривожи йўлида муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда “Қоракўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси” фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда Конимех туманида “Қоракўл жозибаси” шуъба корхонаси базасида қўй ва қоракўл терини қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш, чорва озуқаси етиштиришни ташкил этиш, ветеринария хизматини замон талабларига мослаштириш, селекцияда илм даргоҳлари билан ҳамкорликни юксалтириш каби вазифаларни белгилаб, соҳа истиқболини илмий ва креатив ишланмалар асосида ташкил этиш борасидаги кўрсатмалари дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, селекция йўналишида бир пайтлар ташлаб қўйилган илмий изланишлар жонлантирилиб, Нурота ва Конимех туманларида яратилган қоракўл қўйларнинг “Зармалла” ва “Саржол” навларини кўпайтириш ва кенг қўллаш, “Ўзбекистон” навини такомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бераётир. Шу мақсадда ўтган давр мобайнида 2500 гектар саксовул ва чўл ўсимликлари ҳудудлари барпо этилиб, 550 гектарлик озуқабоп экин майдонлари ўзлаштирилди.

Бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 2022 йилдагига нисбатан мол бош сони 12 мингтага оширилди, қоракўл тери ишлаб чиқариш 23 412 донага етказилиб, 328 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Сирасини айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар Қизилқумда ҳам минг-минглаб чорвадор оилалар фаровонлигини ошириб, чўпон-чўлиқларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

**Улуғбек ХАЛИЛОВ,**
**Навоий вилояти Қоракўлчилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси раиси.**

# САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТТА НУФУЗ ВА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МУҲИМ ҲАМКОРИ



1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 19 июль куни Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг биринчи саммити доирасида Саудия Арабистонида бўлиб, Подшоҳлик валиаҳди, Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди.

Саудия Арабистони ислом динининг маркази бўлиб, унда асосий қадамжолар — Маккада "Ал-Ҳарам" ва Мадинада "Масжид ан-Набавий" масжидлари жойлашган. Шу боис Подшоҳлик Ҳаж ва Умра сафарларини адо этиш учун бутун дунё, жумладан, Ўзбекистондан келадиган мусулмонлар ҳаётида аҳамиятли ўрин эгаллайди. Айни дамда Саудия Арабистони Ўзбекистонни ислом цивилизацияси "бешик"ларидан бири деб билади.

Саудия Арабистонининг ташқи сиёсати Ўзбекистон каби бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, Кўрфаз мамлакатлари, Арабистон яримороли, ислом олами билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, яхши қўшничилик билан яшаш принципларига асосланади. Шунингдек, мамлакат бошқа давлатлар билан дўстона ҳамкорлик юритиш, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларда самарали фаолият олиб бориш тамойилларига таянади.

## «Нигоҳ — 2030» — улкан стратегик дастур

Ўтган бир неча ўн йиллар мобайнида Саудия Арабистонининг миллий, маданий ва иқтисодий куч асоси фақатгина нефть экспорти ва энергетика соҳаси бўлиб келди. Углеводород экспорти умумий экспортнинг 85 фоизигача бўлган ҳамда давлат даромадларининг катта қисмини ташкил этарди. Бугун вазият ўзгарди. Мамлакатда улкан стратегик дастур — "Нигоҳ — 2030" ("Vision 2030") амал қилмоқда. Унда Саудия Арабистонини жаҳоннинг ривожланган 19 давлатидан иқтисодий жиҳатдан тараққий этган 15 мамлакати даражасига олиб чиқиш, нефтга боғлиқ бўлмаган экспорт улушини 16 фоиздан 50 фоизгача кўтариш, нефтга боғлиқ бўлмаган даромадларини 163 миллиарддан 1 триллион Саудия риалигача ошириш каби вазифалар белгиланган.

"Нигоҳ — 2030" дастурида ички иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар билан бирга, минтақавий ҳамда халқаро миқёсдаги ташқи сиёсатга ҳам алоҳида урғу берилган. Кейинги йилларда мамлакат ташқи сиёсат борасида фаоллик кўрсатиб, ўзининг анъанавий ҳамкор давлатлари географиясини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Шунга кўра, Саудия Арабистони мусулмон дунёсидаги етакчилик мақомини мустаҳкамлаш, ривожланаётган мусулмон давлатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, истиқболли бозорларни излаб топиш мақсадида Марказий Осиё минтақасига эътибор қаратмоқда. У минтақадаги истиқболли мамлакатлар сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистонни эътироф этади. Сўнгги тўрт йилда Саудия Арабистони минтақага йўналтирган сармояларининг энг катта қисмини Ўзбекистон иқтисодиётидаги турли тармоқлар, хусусан, энергетика соҳасига қаратди. Шунга кўра, айтиш мумкинки, янгиланаётган Саудия Арабистонининг иқтисодий келажаги учун пойдевор вазифасини ўтаётган "Нигоҳ — 2030" янгиланаётган Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўзаро яқин алоқалар ўрнатиб, мустаҳкам стратегия доирасида ҳамкорлик қилмоқда. Расмий Тошкент Подшоҳликнинг "Нигоҳ — 2030" стратегиясини ва "Expo — 2030" халқаро кўргазмасини ўтказиш бўйича ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Сўнгги етти йилда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштиришга қаратилган ривожланиш стратегиясини амалга оширмоқда, бу эса кичик ва ўрта корхоналар, кўп тармоқли иқтисодиётнинг ўсиши учун қулай замин яратяпти.

## «Яшил» энергетика — устувор йўналиш

Ўзбекистон ўнлаб йиллар давомида пахта, олтин, нефть ва газ каби бир нечта асосий экспорт маҳсулотларига таяниб келган. Даромад манбаларини диверсификация қилиш истагида бўлган мамлакат қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, энергетика, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларга хорижий сармоя киритиш учун кенг йўл очди, бу Саудия Арабистони каби давлатлар сармоядорларини ўзига жалб этди. Ўзаро савдо кўрсаткичлари, Ўзбекистон иқтисодиётига, аввало, "яшил" энергетика соҳасига Саудиянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Саудиянинг етакчи "ACWA Power" компанияси билан амалга оширилаётган лойиҳалар — Сирдарё вилоятида 1500 мегаватт қувватли замонавий буғ-газ электр станциясини тармоққа улаш ҳамда Тошкент вилоятида "яшил водород"ни "пилот" тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишни бошлаш маросимида қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, Сирдарёдаги қиймати 1,1 млрд. доллар бўлган иссиқлик электр станцияси лойиҳаси 3 млн.дан зиёд хонадон ва юзлаб саноат корхоналарининг электр энергиясига эҳтиёжини таъминлашга имкон беради. Бундан ташқари, минтақамизда илк бор "яшил водород" ишлаб чиқариш бўйича муқобили йўқ корхона ташкил этилмоқда. Ушбу "пилот" лойиҳа доирасида мамлакатимизда биринчи босқичда 3 минг тонна водород ишлаб чиқарилади ва кейинчалик минерал ўғитларга қайта ишланади, шунингдек, 52 мегаваттлик шамол электр станцияси қурилади.

Умуман, "ACWA Power" компанияси иштирокида Ўзбекистонда 7,5 млрд. долларлик йирик энергетика лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши 2030 йилга бориб 25 гигаватт қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш, 4,5 млрд. куб метр газни иқтисод қилиш ва атмосферага зарарли моддалар ташламаларини 3 млн. тоннагача қисқартириш имконини беради. Бу йўналишдаги ҳамкорлик 2031 йилгача мамлакат ўзининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 40 фоизини қайта тикланадиган манбалардан таъминлаш мақсадига эришишига ёрдам беради.

Саудия тараққиёт жамғармаси кўмагида соғлиқни сақлаш, таълим, сув таъминоти ва бошқа йўналишларда қатор ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилаётир. Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма фонд ташкил этилмоқда. Саудия делегациясининг бу галги ташрифи доирасида ҳам кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, IT ва инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида 12 млрд. долларлик ўзаро манфаатли лойиҳаларни уддалаш бўйича келишувлар имзоланди. Шунингдек, транспорт инфратузилмаси ва коммунал хўжалиги, геология, ирригация, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, олий таълим, меҳнат миграциясига алоқадор умумий қиймати 11 млрд. долларлик янги лойиҳа ва дастурларни илгари суришга келишиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда экологик тоза энергия манбаларини ривожлантириш мақсадида ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган "иссиқхона газлари" чиқиндиларини 2030 йилга бориб 2010 йилдагига нисбатан 10 фоиз камайтириш бўйича миқдорий мажбуриятни ўз зиммасига олиб, Париж битимини ратификация қилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Энергетика вазирлиги, "ACWA Power" (Саудия Арабистони) ва "Air Products" (АҚШ) компаниялари ўртасида мамлакатимизда қайта тикланадиган энергетика ҳамда водород энергетикасини ривожлантириш бўйича очиқ келишув тузилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида Саудия Арабистони билан биргаликда қуввати 40 — 50 кВт бўлган тажриба электр станциясини қуриш ва водород энергияси ишлаб чиқаришда янги инновацион технологияларни қўллашни ўрганиш учун Саудия Арабистонидан беш нафар мутахассисни жалб этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистонда Саудия Арабистони билан биргаликда (ялпи қуввати 1500 МВт), Бухоро ва Навоий вилоятларида (1000 МВт) шамол электр станциялари қуриш ишлари бошланди. Мутахассисларнинг баҳолашича, Қорақалпоғистонда шамол электр станциясининг ишга туширилиши 4 млн. хонадоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплайди ва йилига атмосферага 2,5 млн. тонна ис гази чиқишининг олдини олади.

Паст углеродли иқтисодиётга ўтишда Саудия Арабистони тажрибасини қўллаш экологик тоза технологияларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, жадал тараққий этаётган Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги навбатдаги қадами бўлади.

## Салоҳият ва имкониятлар ҳали кенг

Кейинги йилларда Саудия Арабистони томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига киритилган сармоялар сезиларли даражада ошди. Ҳозирда 40 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, улардан 20 тасининг фаолияти тўлалигича Саудия Арабистони инвесторлари маблағлари асосида ташкил этилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча имконият мавжуд. Бугунги ҳамкорлик кўрсаткичлари икки давлатнинг мавжуд салоҳияти ва имкониятларини акс эттирмайди. Шу боис Ўзбекистон ҳукумати Подшоҳлик билан ҳамкорликда қўшма корхоналар сонини кўпайтириш устида иш олиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ҳам, Саудия ҳам озиқ-овқат саноати ва хавфсизлиги бўйича етакчи давлатлардан. Подшоҳликка озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотларни экспорт қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш маркази барпо этиб, тайёр товарларни учинчи мамлакатларга экспорт қилишни йўлга қўйиш мумкин.

> *Кейинги йилларда Саудия Арабистони томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига киритилган сармоялар сезиларли даражада ошди. Ҳозирда 40 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, улардан 20 тасининг фаолияти тўлалигича Саудия Арабистони инвесторлари маблағлари асосида ташкил этилган.*

Талаб катта бўлган юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни кўпайтириш мақсадидаги саноат кооперацияси ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш иқтисодий соҳадаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга кучли туртки беради. Мисол тариқасида "Saudi Aramco" компаниясининг Ўзбекистонда нефть ва газни қидириш, қазиб олиш ҳамда қайта ишлашга жалб этилишини келтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда Саудиянинг "Al-Habib Medical Group" ва "ACWA Power" каби етакчи компаниялари билан лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди ва оширилмоқда. "Al-Habib Medical Group" кўмагида барча тиббий маълумотларни ҳамда беморлар билан ўзаро алоқа қилиш жараёнларини рақамлаштириш ва марказлаштириш бўйича замонавий технологиялар юртимизнинг соғлиқни сақлашни бошқариш тизимига жорий этилаётир. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш учун "Al-Habib Medical Group" тиббиёт академияси очилади. Шунингдек, Саудия шифохоналарида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш кўзда тутилмоқда.

Айни чоғда "SABIC" компанияси билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда, бу мақсадда мамлакатимизда МТО (метанолдан олефин олиш) ва МТР (метанолдан пропилен ишлаб чиқариш) технологияларидан фойдаланган ҳолда инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларни яратиш лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Саудиянинг "Savola Group", "SALIC", "Almarai", "Tamimi Group" каби йирик компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологияли иссиқхона хўжаликлари ва мева-сабзавотни қайта ишлаган ҳолда талаб юқори бўлган бозорларга экспорт қилиш бўйича корхоналарни биргаликда яратиш тўғрисида келишувга эришилди. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ислом тараққиёт банки молиявий кўмагида Микрокорхоналарнинг имкониятларини кенгайтириш жамғармаси ташкил этилди.



2021 йилда Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки ва Саудия тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси Ўзбекистон — Саудия инвестициявий шериклигини янада кенгайтиришнинг муҳим механизмларидан бирига айланди. Жамғарма томонидан мамлакатимизда ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун 200 млн. долларга яқин маблағ ажратилди. Бундан ташқари, Саудия Арабистони давлат инвестиция жамғармаси (жами активлари 390 млрд. доллар бўлган дунёдаги энг йирик суверен инвестиция фондларидан бири) мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритишни Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва инвестиция муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари нуқтаи назаридан ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши, деб ҳисоблайди.

## Хавфсизлик йўлидаги муштарак мақсадлар

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги серқирра ҳамкорлик хавфсизлик ҳамда гуманитар соҳалардаги саъй-ҳаракатларни ҳам қамраб олган. Афғонистондаги гуманитар инқирозга барҳам бериш устувор йўналишлардан бири — ҳукуматимиз ушбу мамлакатни қўллаб-қувватлаш бўйича турли ташаббус ва дастурларни ишлаб чиқмоқда. Термиз шаҳрида афғон ёшларига таълим олиш ва уларни меҳнат бозорига тайёрлашга кўмаклашувчи марказлар ташкил этилган. Мамлакатимиз Афғонистонни имкониятлар ҳудудига айлантириш учун реконструкция дастурларини таклиф қилмоқда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш устида ишлаяпти. Ҳамкор давлатлар, хусусан, Саудия Арабистони Ўзбекистонга бу йўналишда ёрдам бермоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фарҳон 2021 йил июль ойида Тошкентда ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этгани, 2022 йил июль ойида Саудия Арабистони делегацияси Тошкентда уюштирилган "Афғонистон: Хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашгани бунинг яққол исботидир. Томонлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклиф ва ташаббусларини амалга ошириш, хусусан, Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияларини қуриш бўйича ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Саудия Арабистони Самарқанд — Ғузор автомобиль йўлининг бир қисми қурилишини молиялаштиришда иштирок этди.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар халқаро транспорт йўлаги доирасида ўзаро ҳамкорлик қилмоқда, бу икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришга имкон беради, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг жаҳон бозорларига чиқишига ва Кўрфаз давлатлари, жумладан, Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан, Саудия Подшоҳлиги катта истеъмол бозорига эга экани ва ўзбек озиқ-овқат, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчилари учун яхши имконият яратишини ҳисобга олиш муҳим. 35 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Саудия Арабистонида олиб борилаётган сиёсат иқтисодиётнинг асосий тармоқларида давлат иштироки мавжудлиги билан тавсифланади. Шунингдек, миллий хусусий капитал фаоллигини кенгайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънода, мамлакат иқтисодиётини хомашё қарамлигидан максимал даражада чиқаришга қаратилган "Нигоҳ — 2030" дастурини амалга ошириш бўйича Саудия Арабистони тажрибаси катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу мамлакат ижтимоий сиёсати аҳолига ижтимоий кафолатлар яратиб бериш, ёшлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялашни ўз ичига олади. Бу сиёсат ҳозирги босқичда саноат соҳасида ва иқтисодиётнинг хусусий секторида ишлаш учун миллий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни рағбатлантириш билан узвий боғлиқ.

Ўхшаш жиҳатлар — тарихий, маданий ва маънавий қадриятлар, шунингдек, кучли молиявий-иқтисодий ресурслар мавжудлиги туфайли Саудия Арабистони Ўзбекистон Республикаси учун ниҳоятда жозибадор мамлакат ҳисобланади. Ҳар икки мамлакатни, гарчи улар чегарадош бўлмасада, юзлаб йиллар давомида дин ва маърифат, илм-фан ҳамда маданият боғлаб келяпти. Ислом олами тараққиёти ва бутун инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Замахшарий ва бошқа буюк мутафаккир уламолар меросини ҳар икки мамлакат халқлари қадрлаб, ўрганади.

Ўзбекистон ва араб давлатлари, хусусан, Саудия Арабистони ўртасида ҳаво қатновининг ривож топаётгани, виза қоидаларининг енгиллашаётгани натижасида ўзаро маданий алмашинув бугунги кунда янада изчиллик касб этаётир. "FlyNas" авиакомпанияси ва "Uzbekistan Airways" АЖнинг ўзаро парвозлари кўпайган ҳамда Саудия Арабистони фуқаролари учун 30 кунлик муддатга Ўзбекистонга кириш визасидан озод қилинган. Ушбу мамлакат қатор сайёҳлик компаниялари Подшоҳликдан Ўзбекистонга сайёҳларни юборишдан манфаатдор. Хусусан, "Zahid Travel Group" агентлиги давлат идоралари ёки хусусий сектор сайёҳларининг Ўзбекистонга саёҳатларини ташкил этишни режалаштирмоқда. Бунга "Uzbekistan Airways" АЖ ва "FlyNas" авиакомпанияси ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича имзоланган ўзаро англашув меморандуми ҳам ёрдам беради. Шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилган икки мамлакат сайёҳлик идоралари ўртасида ҳамкорликнинг қўшма дастури ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам яхши истиқболга эга. Шу мақсадда томонлар икки мамлакат иқтисодиёти тармоқлари шароитида малакали меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда меҳнат масалалари бўйича амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайдиган ташқи меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзолашдан манфаатдор.

Икки мамлакат ишбилармон доираларини янада яқинлаштириш учун яратилган шарт-шароитлар, Ўзбекистон ва Саудия Арабистонининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар бизнес ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш учун асос бўлмоқда. Бу ички истеъмолнинг юқори ҳажми ҳисобига шаклланаётган юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳудудий ва ташқи бозорларга чиқиш имконини беради.

Умуман, ушбу мамлакат делегациясининг ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар кўп қиррали Ўзбекистон — Саудия Арабистони муносабатлари ривожини янги босқичга кўтаради, хусусан, қўшма дастур ва лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини ишлаб чиқиш, жумладан, юртимизда инвестиция компаниялари ва микромолия ташкилотларини ташкил этишни ривожлантиришга кўмаклашади.

**Муҳсин ХОЖИЕВ,**
**Гулистон давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

# ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР



1 2026 йили Ўзбекистонда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш режалаштирилган. Ишонамизки, мазкур нуфузли мусобақада ҳам ўзбек шахмат мактаби вакиллари ўз сўзини айтади. Муҳими, олимпиада тантаналарида мадҳиямиз жаранглайди.

Жаҳон ареналарида юртингиз шарафини ҳимоя қилар экансиз, мадҳиямиз илҳом, куч-қудрат манбаи эканини ҳис этасиз. Бу туйғу ғолиб бўлишга, юрт байроғини баланд кўтариб, қўлимизни кўксимизга қўйиб, мадҳияни жўшиб куйлашга ундайди. Ва мусобақанинг барча иштирокчилари халқимизнинг муқаддас ва қудратли қўшиғига жўр бўлади:

***Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,***
***Оламни маҳлиё айлаган диёр!***

Муҳими, бугун Ватанимизнинг бу муқаддас қўшиғи ҳар биримизнинг миллий ғуруримизга, фахру ифтихоримизга, ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб, онгу қалбимиздан мустаҳкам жой олди.

***Жаҳонгир ВОҲИДОВ,***
***44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби.***

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАХРУ ИФТИХОРИ

1 Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан, шунингдек, дунёнинг турли нуқталаридан Ўзбекистон халқи номига самимий табриклар йўлланмоқда. Уларда Ватандан узоқда бўлган юртдошларимиз ва ўзбек халқининг чин дўстларининг самимий дил қутловлари ўз аксини топган.



**Козимжон ВАҲОБОВ, ватандошимиз, Малайзиянинг "Datamicron Sdn Bhd" компанияси ходими:**

— Одатда энг муқаддас туйғулар ҳақида сўз кетганда, аввало, туғилиб ўсган Ватанимизни тилга оламиз. Дарҳақиқат, Ватандан ўзга нажот, халқ меҳридан улуғроқ саодат йўқ.

Айни пайтда мен Малайзияда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида фаолият олиб бораман.

Ватандан олисдалигим сабабли ҳар сафар Ўзбекистон мадҳиясини тинглаганимда қалбимда чексиз фахр ва соғинч туйғулари жўш уради. Мадҳиямизда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда меҳмондўст халқимизнинг покиза орзу-интилишлари, ишонч ва мақсадлари мужассам топган, деб ҳисоблайман.

Мухтасар айтганда, давлатимиз мадҳияси юртимизнинг бой тарихи ва маданий меросини ўзида акс эттирган. У мен каби хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга доимо куч-қувват бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни ўзим ва Малайзиядаги барча ватандошлар номидан Ўзбекистон мадҳияси қабул қилинган кун билан муборакбод этаман.



**Японияннинг "Silk Road Band" мусиқий гуруҳи вокалисти Михо Огата** ўзининг байрам табригида Ўзбекистон халқига тинчлик осойишталик ва равнақ тилаш баробарида, ўзбек маданияти ва тарихий меросига юксак баҳо берди.

# ЎШ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН БОШ КОНСУЛЛИГИ ОЧИЛДИ

*Ўш шаҳрида Ўзбекистон Бош консулхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда асосий меҳмон сифатида Қирғизистон Президентининг Ўш вилоятидаги ваколатли вакили Элчибек Жантаев иштирок этди. Тадбир Ўзбекистон Давлат байроғини кўтариш маросими ва икки давлат мадҳиялари ижроси билан бошланди.*

## Дўстлик ришталари



Ўзбекистон элчиси Хуршид Мирзоҳидов ўзининг қутлов сўзида тарихий воқеа — Ўш шаҳрида мамлакатимиз дипломатик ваколатхонасининг очилиши Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган йилда бўлиб ўтаётганини таъкидлади. Дипломатик миссия раҳбари, шунингдек, Ўш шаҳрида Бош консулхонанинг очилиши Ўзбекистон томонининг Қирғизистон билан стратегик муносабатларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш истагини яна бир бор тасдиқлашини қайд этди.

Элчибек Жантаев ўз нутқида йиғилганларни республиканинг энг муҳим байрамларидан бири — Конституция куни билан табриклар экан, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

— Ўш шаҳрида Ўзбекистон Бош консуллиги ташкил этилгани томонларнинг икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган муштарак интилишларининг ифодасидир, — деди Қирғизистон Президентининг Ўш вилоятидаги ваколатли вакили. — Қирғизистон жанубида ушбу консуллик идорасининг мавжудлиги мамлакатимизнинг мазкур ҳудудида жойлашган Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётий муаммоларини тезда ҳал этишга хизмат қилади.

Ўш давлат университети профессори Байболот Абитов ўз чиқишида Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари барча соҳада ривож топиб бораётганини қайд этди.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорлик қилмаган бирор соҳа йўқ, — деди Байболот Абитов. — Ўш шаҳрида Ўзбекистон Бош консулхонасининг очилиши ўзаро ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва фаоллаштириш, фан ҳамда таълим соҳаларида ўзаро алмашинувларни йўлга қўйиш учун қўшимча имконият яратади. Бош консулхонанинг очилиши Ўзбекистон Асосий Қонуни қабул қилинган кунга тўғри келгани ҳам қувонарлидир. Фурсатдан фойдаланиб, қардош Ўзбекистон фуқароларини Конституция куни билан табриклайман.

Тадбир якунида тақдим этилган ўзбек миллий куй ва қўшиқлари ҳамда рақсларидан тузилган маданий дастур барчага хушкайфият улашди.

**«Дунё» АА.**

# ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР, НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФИ

*Айни кунларда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 31 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида, вилоят, туман (шаҳар) марказлари, турли ташкилот ва идоралар, таълим муассасаларида маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.*

*Тадбирларда янги таҳрирдаги Бош қомусимиз мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, бугунги кунда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар эътироф этилаётир.*

## Шукуҳ

*Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри биносида ўтказилган асосий байрам тантаналарида меҳнат фахрийлари, ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.*

— Бугун юртдошларимизнинг юз-кўзида қувончни кўрасиз, мамнунликни ҳис этасиз, — дейди Тошкент тиббиёт академияси талабаси, Президент стипендианти Озода Исмоилова. — Бунинг боиси Бош қомусимизнинг 31 йиллигини кенг нишонлаяпмиз. Бу жуда катта фахр, аслида.

Биласизми, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган. Бунинг исботини мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида халқимизни рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ҳам кўришимиз мумкин. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил ҳам Бош қомусимизда белгиланган ана шу қоидаларга ҳамоҳангдир.

Байрам тантаналари вилоят санъат усталари ижросидаги катта концерт дастури билан давом этди.

*Бундан бир неча кун муқаддам Бухоро шаҳрида Конституция кўчаси ташкил этилганди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда адлия бошқармаси ташаббуси билан мазкур гўша ўзига хос мулоқот манзилига айланди.*

Ушбу кўчада Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун муносабати билан тарғибот тадбири ўтказилди. Ёшлар, давлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида кечган мулоқотда талабалар ўртасида қонунчиликка оид билимлар беллашуви уюштирилди. Шу тариқа тўпланганлар ўзларининг Асосий Қонунимизга оид билим ва тушунчаларини бойитиб олишди. Ҳарбий қисм аскарларининг кўргазмали чиқишлари эса тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Тарғибот тадбирида фаол қатнашган ёшларга вилоят адлия бошқармаси томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси китобчалари тарқатилди.

*Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида ўтказилган байрам тадбирида санага бағишлаб тайёрланган видеоролик намойиш қилинди. Унда Конституция берган имкониятлар натижасида юртимизда юз бераётган ўзгаришлар ўз ифодасини топди.*

Қайд этилганидек, кутлуғ айём арафасида ўтказилган “Конституция ҳафталиги” доирасида вилоят маҳаллаларида бунёд қилинган янги объектлар тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Масалан, биргина Иштихон туманидаги Чағатой маҳалласида бирйўла 15 та объект ишга тушди.




— Маҳалла фуқаролар йиғини янги биноси, ҳудуддаги асфальтланган Ноғорчи, Қизилқулоқ, Чағатой, Қўнғирот қишлоқларининг ички йўллари, маҳалла тиббиёт пункти, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази, дам олиш маскани, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари, учта автобекат, “Шодлик” оилавий боғчаси шулар жумласидан, — дейди маҳалла раиси Сайфиддин Холмаматов. — Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг чекка ҳудудларда ҳам ўз самарасини бераётганлигининг ёрқин исботидир.

Байрам тадбири санъат усталари ҳамда кўргазмали чиқишлар билан янада файзли ўтди.

*Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги “Билимдонлар маскани”да санага бағишлаб, кўргазма ва тақдимотлар ўтказилди.*

Вилоят ташкилот ва идоралари вакиллари бу ерда фуқароларга уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган буклетлар тарқатди. Хусусан, Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ташриф буюрувчиларга товарларнинг экспорт-импорт операцияларида божхона расмийлаштирув тартиб-тамойиллари ҳамда уларга қўлланилаётган имтиёзлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Шунингдек, “Конституция кўчаси” тадбирида концерт дастури ва театрлаштирилган томошалар ҳам бўлиб ўтди. Фуқароларнинг Бош қомусимизга оид билимлари синови бўйича ўтказилган викторина ғолиблари Конституция китоби ва бошқа совғалар билан тақдирланди.

Вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида Бош қомусимиз бугунги бахтли ҳаёт ва нурли келажагимиз тимсоли, Ватан тараққиёти, юртимиздаги ҳар бир инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатловчи асосий ҳужжат эканлиги алоҳида эътироф этилди.

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эришилган ютуқларнинг мустаҳкам таянчи сифатида ушбу тарихий ҳужжат қабул қилинган кун Навоий вилоятида ҳам кенг нишонланди.*

Эътиборлиси, байрам арафасида вилоят бунёдкорлари томонидан ўнлаб ижтимоий соҳа объектлари ва маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилиб, саховатпеша ва меҳр-оқибатли кишилар кўмаги билан юзлаб оилаларга байрам кайфияти туҳфа этилди.

Чунончи, қурувчилар вилоятнинг бешта ҳудудида “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили асосида маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги бинолари рамзий калитларини топширган бўлса, Навоий шаҳридаги 4 ва 21-умумтаълим мактаблари, Кармана туманидаги 7-давлат мактабгача таълим муассасаси мутлақо янги қиёфада ёшларни қабул қиладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

1

Шу билан бирга, юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, олийжаноблик ва кечиримлилик каби эзгу фазилатларнинг амалий намунаси ҳамдир.

Фармон билан афв этилган шахсларнинг 34 нафари асосий жазодан тўлиқ, 249 нафари эса муддатидан илгари шартли озод қилинди. 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. 45 нафар шахсга эса тайинланган жазо муддатлари қисқартирилди.

Умуман, ушбу Фармон инсонпарварлик, эзгулик ва раҳмдилликнинг ёрқин ифодаси сифатида маҳкумларда қонунга итоаткорлик ҳиссини рағбатлантиради ва қонунни четлаб ўтган шахсларга тузалиш, оиласига қайтиш ҳамда жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиш учун яна бир имконият беради. Шу нуқтаи назардан, эндиликда жазодан озод этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш тегишли идора ва ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклашини унутмаслигимиз лозим.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИСТИҚЛОЛ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИ ФИДОЙИЛАРИ

*Шу йилнинг 11-12 декабрь кунлари юртимизда “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзуида халқаро конференция уюштирилади.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида ушбу халқаро анжуман ҳақида сўз юритиб, тузилмага аъзо мамлакатлар вакилларини унда фаол қатнашишга таклиф этганди.*

## Конференция олдидан

Ўзбекистонлик ҳамда чет эллик таниқли олимлар, тарих, маданият, адабиёт соҳалари фидойилари қатнашадиган нуфузли конференцияда жадидчилик ҳаракати ғояси, мақсад ва вазифаларини изчил ўрганишда янги инсайдлар, ҳаракатнинг таълим ва ноширлик соҳалари ривожидаги ҳиссаси, миллий давлатчиликни шакллантириш бўйича ижтимоий-сиёсий қарашлари ва интилишлари, шунингдек, жадидларнинг илмий ва маданий мероси, уларнинг тадқиқотлари борасида фикр алмашилади.

Зотан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, туркий цивилизацияни юксалтириш ғояси технологик тараққиёт ва илғор билимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир.

Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончимиз комил. Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Улуғ бобомиз Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзидан ана шундай улкан мерос қолдирган, мамлакатимизда миллий уйғониш ҳаракати асосларини яратган жадидларнинг етакчи раҳнамоси эди.

Ўтган аср бошларида Россия “оқ пошшо”сининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати сабаб Ватан тақдири, халқнинг ижтимоий турмуши оғир ва мураккаб аҳволга тушганди. Улуғ аллома бу ҳолатни ўнглаш учун, аввало, мутаассиблашиб, тараққиётдан орқада қолган халқ маорифини ислоҳ қилиш, диний-дунёвийликка асосланган таълим тизимини яратиш борасида салмоқли ишларни амалга оширди. У 1901 йилда 23 ёшида ўз уйида пуллик жадид мактабини очади. Унда болалар олти ойда ўқиш ва ёзишни ўрганиб, савод чиқаришар эди. Эски анъанавий мактабларда эса болаларнинг савод чиқаришига беш йил вақт сарфланарди.

Мунаввар қори мактабидан андоза олган жадид мактаблари нафақат Тошкент, балки бутун Туркистон, ҳатто ундан ташқарида ҳам бирин-кетин очилиб, кўпая бошлади. Ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилган ва илғор усулнинг самарасини чуқур ҳис этган Мунаввар қори Абдурашидхонов биргина мактаб билан чекланмай, яна бир-икки жойда таълим даргоҳлари очиб, уларга бошқа жадид ўқитувчиларни жалб қилади. 1908 йилда икки йиллик рушдия — “етук”, “мукаммал” деган маънони англатувчи жадид мактабини очиб, ҳозирги миллий ўрта махсус таълимга асос солади.

Бу мактаб тезда “Намуна” деган ном билан машҳур бўлиб, бошқа жойларга тарқалади, ҳатто совет даврида ҳам асқатади. Мунаввар қорининг мактабларида диний ва дунёвий илмлар ўзаро уйғунликда чуқур ўқитилган. Рушдия мактабини битирган ёшлар ривожланган хорижий мамлакатларда ўқиб, малакали кадр бўлиши, маҳалла масжидларида имом лавозимида ишлаши, ташкилотларда иш юритувчи вазифасида фаолият кўрсатиши мумкин эди.

Мунаввар қори жадид мактаблари учун “Адибу аввал” (Алифбо) дарслиги, “Адибус-соний” ўқиш китоби, “Ер юзи”, 3 ва 4-синфлар учун география, “Ҳавойижи” (ҳисоб), “Тил сабоқлари” дарсликлари, “Тажвид” Қуръони каримни ўқишга ўргатиш ва “Сабзазор” (адабий тўплам китоблари) каби дарсликларни яратди. Улар қайта-қайта чоп этилиб, йиллар давомида жуда кенг географик ҳудуд бўйлаб тарқалди.

Улуғ аллома диний-дунёвий таълимотнинг етук билимдони сифатида фаолият юритади. 1906 йил 14 июнда “Тараққий” газетасида босилган “Бизни жаҳолат — жаҳли мураккаб” номли мақоласида: “Кўп диндошларимизни кўрамизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай, дунёи ва охирати саодати ўлған илм ва маорифдин маҳрум қилмоқдан ҳеч бир ибо қилмаслар”, дейди. Айни чоғда тараққиёт ва инқироз сабабларини яхши билган олим шундай ёзади: “Энди ўз ҳолимиз ва ўз тарихимизга боқсак, бир вақтлар Оврупо ваҳший экан, биз маданий эдик... Сўнгралари Оврупо халқи маориф ва маданият йўлида ишлади, бу ҳолғо эришди; биз тушдик, ухладик, бу ҳолға етушдук. Бугун Оврупо халқи осмонгача учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овруполилар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва қисқа кийим жанжаллари, Оврупо шаҳарлари бутун электрик билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жуғрофия ва тиббиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари давом этади”.

Мунаввар қори Абдурашидхонов фақат жадид мактаби, маорифи ва таълим-тарбияси билангина чекланмай адабиёт, журналистика, нашриёт, умуман, ўша давр сиёсатига ҳам миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашди ва биргина Туркистонда эмас, балки Ўрта Осиё, Россия ҳамда Туркияда ҳам танилди.

Буюк жадид бобомиз чор Россияси ағдарилиб, совет ҳокимияти ўрнатилгач, дастлаб уни қўллаб-қувватлаб большевистик фирқага киради, Тошкентнинг эски шаҳар фирқаси бўлимини бошқаради. Миллий мусулмон халқ маорифи тизими яратилиши, коммунистик фирқа миллийлаштирилиши, миллий мухторият ҳукумати — Туркистон мухторияти ташкил этилиши ва бошқа ишларда фаол қатнашади. Лекин коммунистик мустамлака ҳокимияти жадидлар фаолиятини чеклаб, қатағонлик сиёсатини бошлайди.



Большевикларнинг ёвуз мақсади ва ниятларидан воқиф бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонов бу тузумдан юз ўгиради, совет ҳокимиятига қарши аксилшўро махфий миллий ташкилот тузади. Коммунистик босқинга қарши бошланган босмачилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Олимнинг Фарғона водийсига бориб қўрбошиларни бирлаштиришга ҳаракат қилгани ва уларга сабоқ бергани борасида тарихий маълумотлар мавжуд.

1929 йилда совет махфий ташкилоти “Мунаввар қори тўдаси” деган ном билан 87 кишини яширинча қамоққа олади. 1931 йилда уларнинг 15 нафари Мунаввар қори билан биргаликда отувга ҳукм қилинади. Қолганлари эса ҳар хил муддатлар билан узоқ ва совуқ ўлкаларга сургун этилди.

Мунаввар қори ва унинг издошлари фожиаси ҳақидаги хабар дунёга тарқалди. Мустафо Чўқайнинг Парижда нашр қилиниб турган “Ёш Туркистон” журналининг 1934 йил январь сонида Мунаввар қори ҳамда жадидлар ҳақида хотира ва мақолалар босилди.

Буюк жадид бобомизнинг миллат ва Ватан озодлиги, тараққиёти йўлида амалга оширган буюк хизматларини, уларнинг нақадар чексизлигини наинки ёшларимиз, катта авлод вакиллари ҳам тўлақонли англамайди. Ҳатто Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг миллий асоси яратилишига тамал тоши қўйилганидан кўпчилик бехабар.

Гап шундаки, Мунаввар қори Абдурашидхонов Тошкент шаҳар думасига аъзо бўлиб сайлангач, рус олимлари билан ҳамкорликда Тошкентда университет очиш фаолларидан бирига айланди. Дума 1917 йил 21 августда Тошкентда университет ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиб, унинг ташкилий комиссиясини тузади. У шунингдек, университет ўқув дастурини ишлаб чиқишда мусулмонлар учун тарих ва шарқшунослик факультетлари мослаштирилишини талаб этади. Туркистон совет ҳукумати 1918 йил 16 мартида Тошкентда халқ университетини очиш ҳақида махсус қарор қабул қилади. Аммо унда маҳаллий халқ манфаати асло эътиборга олинмайди.

Ҳукумат қароридан воқиф бўлган Мунаввар қори жуда катта жасорат ва ташаббускорлик билан ўша йили 9 апрелда ўз уйида мусулмон маданий-маърифий жамиятлари вакилларини йиғиб, Мусулмон халқ дорилфунуни очиш ҳақида илк бор махсус музокара ўтказади. Йиғилганлар буни қўллаб-қувватлаб, Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигида 9 кишидан иборат Мусулмон халқ дорилфунунининг ташкилий комиссиясини тузади. Унинг ташаббуси ва талабини маҳаллий ҳукумат маъқуллаб, комиссияни расман тан олади. Унинг аъзоларига 9 апрелдан бошлаб бажарган ишларининг мазмуни ва кўламига қараб, 200 дан 450 сўмгача маош бериш белгиланади. 3 майда ташкилий комиссиянинг навбатдан ташқари кенгайтирилган мажлиси бўлади. Унда Мусулмон халқ дорилфунуни раҳбарияти (“идораси ҳайъати”)га сайлов бўлади. Мунаввар қори Абдурашидхонов раис (ректор) этиб сайланади.

Мунаввар қори раҳбарлигидаги таълим фидойиларининг чексиз хизмати ила 1918 йил 12 май куни Мусулмон халқ дорилфунунининг тантанали очилиш маросими бўлади. Мунаввар қори тадбирни очиб, мусулмонлар чоризм даврида рус йўқсиллари билан биргаликда ярим аср қулликда яшаганини, озодлик катта талафотлар эвазига қўлга киритилганини алоҳида таъкидлаб, “Халқнинг илмга кўп зиёда муҳтожлиги... қонларини тўкиб олғон ҳурриятидан сўнг туркистонликларга ҳам ўқимоққа имкон топилгани” ҳақида оташин нутқ сўзлайди.

Хуллас, 1918 йил 12 майда Мунаввар қорининг саъй-ҳаракати ила замонавий миллий олий таълимга тўла асос солинди, аниқроғи, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг асоси тўла-тўкис яратилди. Буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий 1914 йилда “Ойина” журналида муштарийларнинг “Қачон замонавий илм-таълим ташкил этилади?” деган саволига жавоб бериб ёзган эди: “Тошкентдаги Мунаввар қори мактаби мана шундай олий таҳсилга замин бўла олиши мумкин”.

Мусулмон халқ дорилфунунини Мунаввар қори бошчилигидаги 45 кишилик кенгаш бошқарди. Унинг муаллимлари 299 кишига етади. Шулардан 22 таси олий диний мадрасаларни, 2 таси Россия университетини битирган эди.

Мусулмон халқ дорилфунуни — университет тарихан мустақил равишда ташкил этилиб, кенг миқёсда фаолият юритди. Буни унинг номи ёзилган расмий бланкаси ва муҳри (печати) исботлаб турибди. Масалан, раис (ректор) Мунаввар қори Абдурашидхонов 1918 йил 3 июлда Тошкентнинг эски шаҳар Ижроия қўмитасига дорилфунун бланкасида махсус хат ёзиб, унга имзо чеккан ва муҳр босган. Хатда дорилфунун ўқитувчилари учун транспорт — извош сўраган. Яна бир хатда Бурҳон Ҳабиб ва яна бир киши дорилфунун фаолиятини ёйиш, тарғиб қилиш мақсадида Чимкент шаҳри ҳамда унинг уездларига поездда текин боришлари учун ҳукуматдан рухсат сўралган. Бу ҳужжатлар архивда мавжуд.

Афсуски, 1922 йилда марказдан олийгоҳни ёпиш ҳақида кўрсатма берилади. Бу мустамлакага айланган Туркистон аҳлини саводли қилишга қарши бошланган манфур ҳаракатларнинг бошланиши эди. Лекин университет сақлаб қолинади. Бунинг учун олийгоҳнинг маълум хизматлари пуллик қилиниб, Бухоро ва бошқа мусулмон совет республикаларига мутахассислар тайёрлаб бериш учун пуллик шартномалар тузилади.

Тарих гувоҳ, Мунаввар қори Абдурашидхонов жуда мураккаб ва ўта таҳликали даврда онгли равишда беҳад катта жасорат билан, ҳаётини гаровга тикиб, миллат ва Ватанни мустамлакачилик балосидан қутқаришга, маърифатпарварлик ғоялари билан халқнинг кўзини очишга интилди.

Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида жадал ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда ана шу эзгу йўлда жон фидо қилган жадид боболаримизнинг ҳам руҳи шод бўлмоқда, ниятлари рўёбга чиқаётир.

Юртимизда ўтказиладиган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзуидаги халқаро конференция Мунаввар қори ҳамда бошқа жадид боболаримиз ҳаёти, фаолиятини янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этишда самарали платформага айланишига ишончимиз комил.

**Сотимжон ХОЛБОЕВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми —2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Топширилди — 21.33 1 2 3 4 5 6